



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (12.354)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил — Обод турмуш йили

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шaroити яратиб бериш истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мақсадидир. Президентимиз Ислам Каримовнинг Қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ушбу хайрли ишларни нафақат изчил давом эттириш, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди.

Масалан, Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилан берилган.

«Таълим тўрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шaroитлари ривожлантириш, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида ушбу ижобий жараёни янада ривожлантириш мақсадида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусика ва санъат мактаби, 116 болалар спорт объектлари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртли ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизими 300 мингдан ортиқ дарслик, кўланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод кадрларини яратиш тизими шакллантирилди. Айни пайтда улар жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув кўланмаси билан бойитилди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда кўланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишки кийим-кеча, биринчи синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида та-

лабалар ўртасида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақалари уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар Халқ

таълими бош бошқармаси томонидан «Йилнинг энг яхши синф раҳбари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **«Ёшлик»** талабалар шаҳарчасида «Қизлар давраси — гуллар мушоираси» мавзuida байрам дастури ўтказилди.



ХУШ КЕЛИБСАН, ЎЛКАМГА БАҲОР!



Мана қалбимизни интиқ қилиб соғинтирган гўзал Кўкламой яна ўлкамиз меҳмони. Табиат уйқудан уйғонди. Новдаларнинг бошини эгиб шаббодалар кўшиқ куйлайди. Осмонга булут чикди, илиқ ёмғир томчилари дов-дарахтларнинг шохларини силкитиб, юзларини ювиб, тараб, атрофга ўзгача файз-тароват бағишлайди.

Ариқларни тўлдириб сувлар шилдираб қолди, қушларнинг чуғур-чуғури, болариларнинг гу-гувлари, бинафшаю ялпизларнинг хушбўйлари оламни тўтди. Майин шаббода юзларни гўёки эр-қалаб силайди, сочларига тол баргидан жамалак таққан қизчалар, арғим-чокларда гўёки осмонга парвоз қилаётган болажонларнинг шодон қийқир-қилари кўнгилларга қувонч, кўтарин-қилиқ, ҳар бир ўтаётган осуда кунлар учун беадад шукроналик туйғуларини уйғотди.

Баҳорнинг илк даракчиси бўлган бодом оппоқ бўлиб гуллади, «Хосил мўл бўлсин» дея елкасига кетмонини ташлаган бободоҳон ризқу рўзимиз манбаи бўлган она-замин бағрини юмшатишга шошилмоқда, айвон тоқидида уясига яна қалдирғочлар қайтиб келди. Кечагина қиш чиласидан тинкаси қуриган дарахтларга жон кириб силкиниб қолди. Гўёки бутун мавжудот уй-

ғонди, қалбларда эзгуликларга эга бўлиш, барчага меҳр-муҳаббат улашиш, яхшилик соғиниб яшаш иштиёқи уйғонди.

Бутун гўзаллигини кўз-кўз қилиб, солланиб келаётган Баҳорнинг яна бир сеҳри, таровати бор. Фасллар келинчаги ўзи билан қатор байрамларни ётган болажонларнинг шодон қийқир-қилари кўнгилларга қувонч, кўтарин-қилиқ, ҳар бир ўтаётган осуда кунлар учун беадад шукроналик туйғуларини уйғотди.

Хуш-келибсан, ўлкамга баҳор! Қадамларинг кутлуг бўлсин. «Обод турмуш йили»да юртимиз бундан-да яшнасин, тинчлик-тотувлик, дастурхонимиздан қут-барака аримасин, омбор-

ларимиз донга, ҳаётимиз бахту шодликка тўлиқ бўлсин.

Кунга кеча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими жамоатчилик кенгашининг шахримиз аҳолисига мурожаати қабул қилинди. Унда пойтахтимиз маҳаллалари фаоллари март ойини «Ободонлаштириш ойлиги» деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқишиб, унда ҳар бир хамшаҳримиз ўзи фаолият юритаётган корхонаси, ўз уйи, кўчаси атрофларига мевали ва манзарали дарахтлар ўтқозишга, саранжом-саришта сақлашга, мухтасар қилиб айтганда, маҳалларимиз, мавзелиримиз ва кўчаларимизни янада обод, озода этишга, ушбу ишларни ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда амалга оширишга даъват этилади.

Мазкур мурожаат билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ўтказилаётган медиа-кунлар доирасида «Обод турмуш йили» Давлат дастури: сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда давлат — оммавий ахборот воситалари — жамият ҳамкорлиги» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношароит ташкилотлари вакиллари, «Форум ТВ», Ёшлар телестудиялари ижодкорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухоликов, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М. Ҳожиमतов, Миллий телерадиокорпорация раиси А. Ҳўжаев, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Ш. Ғуломов, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси М. Ширинова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси К. Бекназаров, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси директори А. Ҳўжаева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган кенг кўламли ислохотларнинг пировард мақсади эканини таъкидладди.

Давлат дастурида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош алоқа каналларидан самарали фой-

даланган ҳолда «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти ҳақида ахборот-тушунтириш ишларини изчил олиб бориш, бу борада нодавлат ношароит ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирларни кенг ёритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиздаги юздан нодавлат телерадиоаузувчиларни ўз сафида бирлаштирган Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси йил давомида бу йўналишда кўплаб лавҳалар, муаллифлик лойиҳалари ва ижтимоий телерадиороликлар тайёрлашни режалаштирган. Бу жараёнда жамоат медиа-тузилмаларини қўллаб-қувватлаш, соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, нодавлат телерадиоканаллар ижодий ва техник ходимлари касб малакасини ошириш, замонавий ахборот тарқатиш технологиялари ҳамда механизмларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ассоциация томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирлар, ижтимоий лойиҳалар мазмун-моҳиятини таҳлилий асосда ёритиш мақсадида йил давомида ёш журналистлар, техник ходимлар учун медиа-оромгоҳлар, ижодий фестиваллар, танловлар, семинар-тренингларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли» мавзuida семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз парламенти Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, сиёсий партиялар вакиллари қатнашди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган очик эшиклар кунга бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар фаолияти давомида дуч келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

● Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

● Хоразм вилоятининг Боғот туманида баҳорги юмушлар қизғин давом этмоқда. Туман марказида олиб борилаётган тозалаш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида ободонлаштириш бошқармаси, корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳудуд аҳолиси фаол қатнашмоқда. Туманда шу кунгача 52 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар ҳашар йўли билан тозаланиб, мавсумга шай ҳолга келтирилди. Бинолар атрофи ва йўл ёқаларига 5 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

ЖАҲОНДА

● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти «Фукусима» атом электр станцияси атрофида жойлашган ҳудудлар аҳолисини ушбу станцияда бундан икки йил муқаддам рўй берган носозлик натижасида рақ хасталикларига чалинишининг катта хатарлари мавжудлиги тўғрисида огоҳлантирди.

● Кеча Германия парламенти мамлакатнинг 330 нафар ҳарбий хизматчиларини Малига жўнатиш бўйича режаларни маъқуллади. Улар Мали армияси аскарларининг маҳоратини ошириш ва ҳаво кемаларида юклари ташиш ишларида иштирок этадилар.

● Бир гуруҳ геологлар Ҳинд океани ҳудудидаги Маврикий оролида ноёб тарихий ёдгорликни топишга муваффақ бўлишди. Ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида кўпга киритилган диллари шуни кўрсатдики, бу ерда циркон минерали топишган. Мазкур кристалл асосида олимиш ушбу ҳудудда қадимда «Маврикий» деб номланган кичик қитъа бўлганини тахмин қилишмоқда. У бундан 85 миллион йил аввал йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Айни пайтда топилма мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

● Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва ишланмалари ташкилоти кўшимча иккита ракета полигонини бунёд этишни режалаштирмоқда. Улардан бири Рутлану оролида, кейингиси эса Андра-Прадеш штатида жойлашади.

● Кеча Камчатка қирғоқларида магнитудаси 7 балли ер қимирлаши содир бўлди.

● Кеча Бангладешда диний мутаассиблар ҳамда полиция ўртасида рўй берган тўқнашув чоғида 14 киши ҳалок бўлди. Улар орасида икки нафар полициячи ҳам бор.

2013 йил — Обод турмуш йили

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий билим, қobiliят ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда халқ таълими тизимидан 90 минг, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидан 23 минг, олий таълим тизимидан 5,8 минг нафар ходимнинг малакаси ва тажрибасини ошириш ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини масофадан туриб ошириш тизими янада ривожлантирилади. Ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудидида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юр்தларининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илгор хорижий таълим муассасаларида тажриба оширади. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун қўшимча имкониятлар яратди.

Ўзбекистонда шаклланди миллий таълим модели нафақат узлуксиз таълим олишни, балки ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсининг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, Давлат дастурида мактабда, айниқса, кишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабга таълим тизимига янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабга таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва маънавий фикрлаш қobiliятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмалар қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмий қўлланмалар ўқувчиларни нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабга таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади.

Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури» лойиҳаси доирасида олий ўқув юр்தлари ва касб-хунар коллежларида кишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи микродорида имтиёз берадиган ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномаси ва фахрий ёрликлар тантанали равишда топширилади. Шунингдек, «Маънавий-маърифий тайёргарлик аълочиси», «Жанговар тайёргарлик аълочиси» ва «Ҳарбий спортчи» курак нишонлари билан ҳам бир гуруҳ аскарлар тақдирланди.

АСКАРЛИКДАН КАТТА ҲАЁТ
МАКТАБИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервга бўшатиш тўрисидаги Қарорига кўра шу кўнларда мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган аскарларни уйларига тантанали кузатиш тадбирлари ўтказилмоқда.



Бугун шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, юртимиз ёшлари учун миллий армиямиз ҳақиқий ҳаёт мактабига айланди. Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ҳар бир ёш ўғлоннинг орасуни, фахр ва шараф ишидир. Чунки миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш улар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

Подполковник Аскар Сафаров хизмат қилаётган қисмда ҳам аскарларни яшаш жойларига кузатишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Мудоффа вазирлиги Фахрийлар марказий кенгаши раиси Мусалим Нуриддинов, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия капитани Фаррух Жумаев, Ҳамза тумани маънавий таърибот маркази раҳбари Муҳаммад Розиков ва бошқалар аскарларга мuddатли ҳарбий хизматни намунали ва муносиб ўтаб, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга, Куролли Кучларимиз жанговар қудратини оширишга қўшган ҳиссалари учун миннатдорлик билдириб, жамиятда ўз ўринларини топишларида муваффақият тилади.

Тадбир давомида бир гуруҳ аскарларга юртимиздаги олий ўқув юр்தларига ўқишга киришда тест

ридининг, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия капитани Фаррух Жумаев, Ҳамза тумани маънавий таърибот маркази раҳбари Муҳаммад Розиков ва бошқалар аскарларга мuddатли ҳарбий хизматни намунали ва муносиб ўтаб, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга, Куролли Кучларимиз жанговар қудратини оширишга қўшган ҳиссалари учун миннатдорлик билдириб, жамиятда ўз ўринларини топишларида муваффақият тилади.

Тадбир давомида бир гуруҳ аскарларга юртимиздаги олий ўқув юр்தларига ўқишга киришда тест

тиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсади курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус маслаҳат марказлари фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш имкониятларидан хабардорлигини ошириш мақсадида бўш иш ўринларининг ягона интерфаол базасини яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилда «Таълим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ва олий ўқув юр்தларида ўқиётган 100 нафар иқтидорли йигит-қиз учун касба уюшмаси стипендиялари таъсис этилади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ — МАМЛАКАТИМИЗ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда иходий қobiliятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2013 йилда «Янги авлод» болалар иходиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эстрада ихрочилиги бўйича республика танлови, «Иқтидорли ёшлар — Ватан равнақи йўлида» шиори остида ўқувчиларнинг «Йилнинг энг яхши ихтирочили» танлови ўтказилди. Аксарияти анъанага айланган бу тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудидида иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг иходини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, ўсиб келаётган ёш авлодининг юқори салоҳиятини намойиш этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгрок оммавийлаштириш мақсадида 2013 йилда кишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида «Алпомиш» ва «Барчинчи» ҳудудий мусобақалари, «Миллий қадриятлар — беқиёс бойлигимиз» шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамлари бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этила-

ди. Бухорода «Универсиада — 2013» мусобақалари бўлиб ўтди.

Ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ихтидор ва ўзлиқни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бунда йигит-қизларнинг серкира истеъдод ва қobiliятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, болалар ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар режалаштирилган.

Давлат дастурида «Биз баркамол авлодимиз» ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Хар бир болага меҳр ва эътибор» ҳафталигини ўтказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда барча болаларни ривожлантириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир амалга оширилаётган ишларга ушбу широнинг эзгу ғояси сингдирилган. Хусусан, 2013 йилда инклюзив таълим тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бундай таълим турига имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни жалб қилиш, шунингдек, улар учун спорт мусобақалари ҳамда оилавий марафонлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар ва ихтимой ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ихтимой-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона ва Самарқандда Республика болалар ихтимой мослашув марказининг филиаллари очилди.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди. Буни «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам яққол тасдиқлайди. Унда ҳисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

(ЎЗА)

Тошкентда босма оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

НАРКОТИКЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ҳамда бошқалар наркотиклар, гиёҳвандлик ва наркобизнес билан боғлиқ масалалар транс-миллий муаммага айланиши ҳамда бутун инсоният хавфсизлигига раҳна солаётганини таъкидлади. Профилактика тадбирларини ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзунинг кенг ёритилиши уларга қарши курашнинг таъсирчан услуби ҳисобланади. Айнан оммавий ахборот воситалари жамиятимизда наркотиклар ноқонуний айланишига қарши қатъий курашиш, шунингдек, наркотикларни тиббиётдан ташқари истеъмо қилишга муросасиз муносабатда бўлиш зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги ҳақида фуқароларнинг ягона фикри ва позициясини шакллантиришда муҳим ўрин ташкил қилади.

Тадбирда экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари журналистларга мамлакатимизда наркотиклар олди-сотдиси билан шуғулланадиган гуруҳларнинг гайриқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, таркибидида наркотик моддалар бўлган экинларни йўқ қилиш, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича аниқ йўналтирилган тадбирларни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Ўзбекистон наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга катта аҳамият бермоқда. Бу бо-

рада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кенг қўламли профилактика ишлари олиб боришмоқда. Мамлакатимизда наркотиклар контрабандаси ва вандлик ва наркобизнес билан боғлиқ масалалар транс-миллий муаммага айланиши ҳамда бутун инсоният хавфсизлигига раҳна солаётганини таъкидлади. Профилактика тадбирларини ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзунинг кенг ёритилиши уларга қарши курашнинг таъсирчан услуби ҳисобланади. Айнан оммавий ахборот воситалари жамиятимизда наркотиклар ноқонуний айланишига қарши қатъий курашиш, шунингдек, наркотикларни тиббиётдан ташқари истеъмо қилишга муросасиз муносабатда бўлиш зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги ҳақида фуқароларнинг ягона фикри ва позициясини шакллантиришда муҳим ўрин ташкил қилади.

Илмий-амалий семинар давомида мамлакатимиз ҳудудида наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш услублари ҳамда шакллари такомиллаштиришга қаратилган ишларни амалга оширишда эришилган ихобий натижалар маълум қилинди. Жамоат ташкилотлари, хусусан, «Қамолот» ёшлар ихтимой ҳаракати мисолида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида кенг ва изчил ёритилмоқда ҳамда салмоқли натижалар бермоқда.

С.ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбириСАМАРҚАНД ВА
БУХОРО ИСПАН
ЁЗУВЧИСИ
НИГОҲИДА

Яқинда Испанияда нашр қилинадиган «Conde Nast Travel» журналининг навбатдаги сониди мамлакатимиз мавзусига бағишланган мақола босилиб чиқди. Ёзувчи Хуан Мадрид қаламига мансуб ушбу мақолада Ўзбекистоннинг кўҳна ва навқирон шаҳарлари, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари ҳамда бой тарихий-маданий мероси атрофлича қаламга олинган.

Муаллиф испаниялик журналхонларни қадим Шарқнинг сирли дунёси билан таништирар экан, мақолани Самарқандга ипак матоси, хушбўй зираворлар, қимматбаҳо тошлар, фил суғи, мармар, мусика асбоблари ва бошқа кўлаб нодир буюмлар ортилган катта қарвоннинг кириб келишини тавсифлашдан бошлайди.

«Самарқанд заминидаги битмас-туганмас бойликлар билан бир қаторда олимлар, до-нишмандлар ва хунармандлар Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу шаҳарни Бобил ва Рим сингари юксак маданият, илм-фан, нафосат ва гўзаллик марказига айлантирди», деб ёзади у.

Ёзувчининг қайд этишича, кўҳна Афросиёб шаҳри харобалари, Марказий Осиёдаги энг қадимги Ҳазрати Хизр масжиди, Шох Зинда мажмуаси ўзининг асрлар аро сақланиб қолган чиройи ва маҳобати билан кишини ҳайратга солади. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ташаббуси билан бунёд этилган расадхонада қонинот сайёраларига, қуёш ва ой тутилиши, мингдан ортқ юлдузларнинг жойлашуви оид қимматли кашфиётлар амалга оширилган бўлиб, Х.Мадриднинг сўзларига қараганда, замонавий ҳисоб-китоблар уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

«Сўнгги бир ярим минг йил ичида бу шаҳарга келган ҳар қандай сайёҳ, ҳоҳ у савдогар бўлсин, ҳоҳ олим ёки шоир бўлсин, Самарқанднинг гўзаллигига таҳсинлар айтган», дея эътироф этади муаллиф.

Кенг қўчалар, муҳташам таълим муассасалари, барча қулайликларга эга қасалхона, идора ва савдо марказларига эга замонавий Самарқандни тасвирлар экан, ёзувчи журналхонларни шаҳар бозорига таклиф қилади ва бу ерда сотиладиган ранг-баранг махсулотлар, жумладан, қовун, тарвуз, ўрик, олма, анор сингари турли-туман мева ва сабзавотлар, зираворлар, дунёга машҳур Самарқанд нони Испаниянинг Амир Темур салтанатидаги элчиси Руи Гонсалесом Де Клавихо томонидан ҳам юксак эътироф этилганини маълум қилади.

«Агари иложи бўлса, зираворлар сотиладиган пештахталарга диққат билан разм солинг ҳамда уларнинг хушбўй ҳидларидан баҳраманд бўлинг. Ушанда ҳақиқий табиий зираворлар ва дўконларда сотиладиган сунъий махсулотлар ўртасидаги фарқни англаб етасиз», дея ўқувчиларга мурожаат қилади Хуан Мадрид.

Фикрини давом эттирар экан, ёзувчи де Клавихо томонидан ёзиб қолдирилган «Самарқанд — киши кўнгли тусаши мумкин бўлган барча турдаги мева-етикларнинг етилган ажайиб боғларга эга беқиёс шаҳардир» деган ташбеҳларни келтиради муаллиф. Ушбу тенги йўқ шаҳарнинг чиройи ва маҳобати италиялик саёхатчи Марко Поло, шоир ва до-нишманд Умар Ҳайём, машҳур марокашлик саёхатчи Ибн Батуталарни ҳайратда қолдирганини таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг яна бир кўҳна шахри — Бухоро ҳақида тўхталар экан, Хуан Мадрид уни маданият, илм-фан ва савдо маркази, сарой, масжид ва мадрасаларга бой шаҳар ҳамда Исрол динининг энг муҳим марказларидан бири сифатида таърифлайди. У Европада Авиценна номи билан донд таратган буюк табиб ва олим Абу Али ибн Сино Бухорода яшаб, ижод қилганини ҳам қайд этади.

«Бухорода Х асрда бунёд этилган кўҳна қалъа минг йиллар давомида бир неча марта босқин ва вайронагарчиликларга учраганига қарамай, ҳали-ҳамон яхши сақланиб қолган, деб ёзади испан ёзувчиси. Баланд гиштин деворларга эга ушбу маҳобатли қалъада қадимда ҳукмдорлар истиқомат қилган».

Шунингдек, Х.Мадрид Бола Ховуз мажмуаси ҳам ўзида катта таассурот қолдирганини қайд этар экан, нашр ўқувчиларини Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган гўзал мадраса ва масжидлар, чойхоналар, қарвонсаройлар, хунармандларнинг дўконлари бўйлаб «саёхатга» чорлайди.

Мақолани яқунлар экан, муаллиф ўзбек халқининг анъанавий меҳмондўстлиги ва самимиятига алоҳида ҳурмат изҳор этади. «Бошқа минглаб ва миллионлаб сайёҳлар сингари мени ҳам бу заминда очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Меҳмондўстлик ўзбек халқига хос ва мос бўлган хусусиятлардан бири бўлиб, шу сабабли халқ орасида «меҳмон отангдай улуг», деган мақол ҳам тарқалган», дея ўз фикрини яқунлайди муаллиф.

«Жаҳон» АА
МадридИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИ
КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбатидида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ихросини ёритишда ҳудудий телерадиостудиялар ахборот хизматлари ишини янада сифатли йўлга қўйиш, илгор ташаббусларни амалга оширишда ёш журналистларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқомов сўзга чиқди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида «Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти — электрон оммавий ахборот воситаларида ёшлар лойиҳаларини ривож-

лантиришнинг муҳим омили» мавзусида медиа-форум ҳам ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун яратилган шароитлар натижасида Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий, маърифий лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан бирга 2008 йилда «Форум ТВ», НТТ телеканалларида ташкил этилган ёшлар студиялари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш ишига фол ҳисса қўшиб келмоқда.

Медиа-форум давомида ёшлар телестудиялари фаолиятини ривожлантириш, улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни иходий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳома этилди.

Назозат УСМОНОВА

ХУШ КЕЛИБСАН, ЎЛКАМГА БАҲОР!



ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ!

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими жамоатчилик кенгашининг пойтахт аҳолисиغا **МУРОЖААТИ**

Азиз ҳамшаҳарлар!

Муҳтарам Юртбошимизнинг «Ободлик кўнгилдан бошланади», – деган ҳикматли сўзлари замирида теран маъно бор. «Обод турмуш йили»нинг туб моҳиятида ушбу эзгу гоя мужассамдир.

Дарҳақиқат, ободлик ва фаровонлик ҳалқимиз турмушини ҳар жиҳатдан беэзаб туради. Шу боис, «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш» мустақил мамлакатимиз ҳалқининг бош мақсади ҳисобланади.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг шундай жаннатмонанд замини борки, унга ер юзининг хоҳлаган жойида ўсадиган дарахтини олиб келиб эксанг, кўкариб, яшнаб кетаверади! Шундай мўтабар юртининг қадрига етиш шу азиз Ватанимиз ҳар бир фарзандининг муқаддас бурчидир!

«Кўнгил ободлиги – ҳаёт гўзаллиги», – дейди ҳалқимиз. «Обод қилган обод бўлар», «Турмуш фаровон бўлса – кўнгил чароғон», – деган ажойиб ўзбек ҳалқ мақоллари бор! «Обод турмуш йили»да ҳар биримиз шу каби ҳикматларни ўзимизга шиор қилиб олайлик.

Азизлар!

Гўзал ва обод юртимизга кўлам ҳам кириб келди. Айтадиларки, баҳорнинг ҳар лаҳзаси – ғанимат. Биз – пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари шахримизда март ойини «Ободонлаштириш ойлиги» деб эълон қилишни таклиф этамиз!

Бутун ой давомида гўзал ва тароватли пойтахтимизда истиқомат қилаётган ҳар бир ватандошимиз ўзи фаолият юритаётган корхонаси, яшайтган хонадони, кўчаси ён-атрофларига мева ва манзарали дарахтлар-ўтқазсин, мавжуд дарахтларга чиройли шакл берсин, ўз уйи, ишхонаси, хулоса қилиб айтганда, жонажон шахримиз ободлиги, кўркамчилиги ҳисса қўсин!

Маҳаллаларимиз, мавзеларимизни, кўп қаватли уйлар ва ҳовлиларимиз атрофларини, кўча-кўй, майдончалар, корхона, ташкилот, боғча, мактаб ва бошқа таълим муассасаларини обод қилайлик, кириш йўлакларини таъмирлаб, тоза-озода, саранжом-саришта туттишга эришайлик. Шу билан бир қаторда мавжуд чқиндиларни тартибли олиб чиқиб кетилишини ҳамда белгиланган жойларга ташланилишини таъминлайлик ва бу борада ота-оналарнинг масъулиятини янада оширайлик.

Тошкент Истиқлол йилларида, шак-шубҳасиз дунёдаги энг гўзал мегаполис шаҳарлардан бирига айланди. Бунда шахримиз ҳар бир фуқаросининг ҳиссаси бор. Биз пойтахт аҳли жонажон юртимизнинг юраги ҳисобланмиш азим Тошкентни кўз қорачиғидай асраш, уни эртанги авлодга обод, бетакрор, жаҳондаги барча ҳавас қиладиган даражада қолдириш учун масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Биз сизларни бу эзгу ишда аҳил ва ҳамжиҳат бўлишга чақирамиз!

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бугун баҳорнинг илк куни. Хуш келибсан, баҳор! Бизни соғинтирган, ижодкор аҳлига майин шаббода эпкинларида илҳом бахш этувчи фасл. Ўзбек халқининг атоқли шоираси, муҳаббат ва садоқат куйчиси Зулфияхоним баҳорнинг илк кунини таваллуд топган эди. Ҳар доим баҳор келганида шоиранинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» мисраси беихтиёр ёдимизга тушади.

ВАТАНГА САДОҚАТ ВА ВАФО ТИМСОЛИ

Ўзинг ташна эдинг, ўзинг сув тутдинг,
Қалбимдаги саҳром, дарёмисан, халқим!

Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!

Юрак чакмоқ теккан осмон юзидай,
Лекин эътиқодим, иймоним бутун,
Умримда қилганим озми-кўпимдан,
Меҳринг дарёсидан серобман

бу кун ...
Хали бор олдинда ўтмаган бурчим,
Ўтмайман кўзимда тирик турса нур.
Умримдаги барча фасллар учун
Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур!

Чиндан ҳам меҳру муҳаббати бўлмаса олам ҳам, инсон ҳам ёшариб, гўзаллашмайди. Буни атоқли шоирамиз Зулфияхоним яхши англаб етарди. Яъни, Зулфия опа – Ватанга садоқат, Ишк ва Вафо тимсоли эди!

Зулфия опа менинг учун шеърларини ёдга олган ва бундан қалбимда меҳр уйғотган биринчи шоиралардан эди. Унинг муштдек юрагида дунёларга татийдиган меҳру муҳаббат, гулдан нозик жуссасида ҳаётнинг залворли юкини кўтаргучи куч бор. Зулфияхоним ана шундай аёллардан эди.

Шоиранинг элу юрти, Ватани, фарзандлари, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг ёрқин хотирасига бағишланган шеърлари адабиёт ихлосмандларининг кўнгилдан жой олган. Адибанинг қалб туғёнларига лиммо-лим шеърини мисралари ўзбек адабиётида алоҳида бир мактаб бўлса, тақдирнинг аччиқ синовлари-

га дош бериб, қаддини баланд тутиб оналик меҳрию чексиз садоқати билан ҳаётнинг пасту баландини энгиз ўтиши кўпчиликка ибрат бўлди. Халқ назаридаги инсон ҳар бир сўзи, юриш-туриши, кийинишларига эътиборли бўлиши лозим эди. Буни ҳис қилган Зулфияхоним аъло даражада уддалай олдилар.

Дарҳақиқат, Зулфияхоним меҳрибон устоз, мунис она, фозил олима, оқила раҳбар эди. У кишининг меҳридан баҳраманд бўлмаган шоир адиб кам.

Ҳа, кўпчилик ёш қизларимиз: «Зулфияхонимнинг қизлари бўлгимиз келади, шоиранинг излари бўлгимиз келади», деб қалам олаётган, уларнинг номларини ёдга олиб, умрини олқишлаб улғаяётган ёш истеъдодларнинг кундан-кун қуртак чиқариб, қанот ёйишини кўринг.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида аёлларимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг истеъдод ва иқтидорини намоён этишга кенг имконият яратилди. Ўзининг вафо ва садоқати, оналик меҳри ва аёллик жасорати, кези келганда раҳбарлик салоҳияти билан ўзбек аёллари учун ибратга айланган шоира номи билан аталувчи Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бугун ушбу мукофот ҳар бир ўзбек қизининг юрагига юксак орзулар тугиб, интилишга қорлайди. Ўзбекистон қизларининг бахту саодати учун қилинаётган эзгу ишлар, келажакда, албатта, ўз самарасини беради.

Мирислом БАДАЛОВ,
тадқиқотчи

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёшлар ижодига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар, талабалар иштирок этди.

ИЖОДКОР ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида иқтидорли ёшларнинг салоҳиятини рўбга чиқаришга қаратилган ижодий дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. Семинарлар, маҳорат машғулотлари ташкил этилиб, ёш ижодкорларнинг сара асарлари китоб ҳолида чоп этилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда нашр этилган «Оила – менинг қўлуғ боғим» баёзлари бунга мисолдир.

«Биринчи китобим» лойиҳаси ҳам ёшлар орасида кенг оммалашмоқда. Ўтган йили «Адиб» нашриётида ушбу лойиҳа доирасида ўн нафардан зиёд ижодкорнинг биринчи китоби чоп этилди.

Тадбирда «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида чоп этилган асарлар, ёшлар баёзлари ва турли нашриётларда чиқарилаётган адабий тўпламлар юзасидан атрофлича фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2013 йил 2 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтатиладиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Миробод туман суд ижрочилар бўлими томонидан ЖИБ Юнусобод туман судининг 2011 йил 13 августдаги 1-529-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моштабб кўчаси, 5-уй, 20-хонадонда жойлашган, умумий майдони 58,60 м.кв., яшаш майдони 28,90 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 105 537 050 сўм. 2. Миробод туман суд ижрочилар бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 77-уй, 47-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,87 м.кв., яшаш майдони 28,97 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 115 960 000 сўм. 3. Шайхонтоҳур тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 30 октябрь 2012 йилдаги 10-1214/16716-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Халқа йўли кўчаси, 61-59-57-уйларда жойлашган, савдо комплексининг бир қисми бўлган, умумий майдони 2 272 м.кв. бўлган, 2 қаватли ресторан комплекси ва 10 та савдо дўконлари савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 2 455 000 000 сўм. 4. Юнусобод туман суд ижрочилар бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 10-1214/18452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, К.Ниязов кўчаси, 80А-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 234,0 м.кв. бўлган нотураар жой. Бошланғич нархи – 280 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдолари 2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

1. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2012 йил 28 февралдаги 1-198-13375/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Билимдон кўчаси, 51-уйда жойлашган, умумий ер майдони 842,0 м.кв., 5 та яшаш хонаси майдони 89,42 м.кв., ёпик айвон ва ертўладан иборат турар жой такроран савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 200 000 000 сўм.

Ушбу мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ М.Улугбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Офтоб тор кўчаси, 1А-уйда яшовчи Раупов Рифат Раҳимовичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 март куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража шик, кундузи — 16-18

даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 2 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг инфоляцияси даражаси 1-3 фоз пасайиши таъмин қилинмоқда, тағимқорни паст бўлади.

Воҳид ЛУҚМОН

ОБОД ШАҲРИМ – ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба –

тозалик куни

ХУРМАТЛИ

ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг

янада кўркам бўли-

ши, кўчаларимиз-

нинг орасталиги,

маҳаллаларимиз-

нинг озода ва

ободлигига ҳисса

қўшиш ҳар бири-

мизнинг инсоний

бурчимиз эканлиги-

ни унутмайлик, то-

залик ва ободон-

лаштириш ишлари-

да фаол бўлайлик!

Назм чечаклари

АРИҚ ЛАБЛАРИДА УЙҒОНАР ЯЛПИЗ

Қўёш қувди сўнгги қорайган қорни,
Еллар келтиридилар унут ифори.
Лек кўнглим илимас, гулмас кўнглим,
Мен нима қиламан сенсиз баҳорни!

Боғда бинафшалар таратади бўй,
Қушлар чуғурида илоҳий бир куй,
Аммо юрагимда муздай совуқ ўй,
Мен нима қиламан сенсиз баҳорни!

Осмон ой пиширар юлдузга қориб,
Қуртаклар қиқирлар новдани ёриб.
Айтгин, кимга борай, кимга ёлвориб,
Мен нима қиламан сенсиз баҳорни!

Бир оқшомда бўйга етар бодомлар,
Оппоқ бўлиб тўйга етар бодомлар.
Минг ошиқни сархуш етар бодомлар,
Мен нима қиламан сенсиз баҳорни!

Ариқ лабларида уйғонар ялпиз,
Бойчечак қитиқлар шаффоф сахарни.

Нега индамайсан, гапиргин, ҳой қиз,
Мен нима қиламан сенсиз баҳорни!

НАВБАҲОРГА

Сабрсиз томчилар томчи — ёмғирлар,
Елкамни яралар қамчи — ёмғирлар.
Ҳамон тинмайди алдамчи ёмғирлар,
Навбаҳор, мен сени жуда соғиндим.

Келиб кетаверди йиллар — қалдириғоч,
Ўйларим мадорсиз, хаёл ноилж.
Ранглари заҳилдир, оппоқ соғинч — соч,
Навбаҳор, мен сени жуда соғиндим.

Сўнгсиз жилолалар тунги юлдузлар,
Кўзим кўзгусида қадрдон излар.
Кўчамдан ўтади тўп бўлиб қизлар,
Навбаҳор, мен сени жуда соғиндим.

Бизларга тиланган сабр — севгимиз,
Ўртада Саҳрои Кабир — севгимиз.
Сенга қийинмасми яшаш севгисиз,
Навбаҳор, мен сени жуда соғиндим.

